

See discussions, stats, and author profiles for this publication at: <https://www.researchgate.net/publication/360241585>

# Eastern regions of the Ferghana demographic aurt (En) Шарқий фарғона Минтақасининг демографик холати (Uz)

Article · January 2017

CITATIONS

0

READS

10

1 author:



**Odiljon Tobirov**

Gulistan State University

36 PUBLICATIONS 2 CITATIONS

SEE PROFILE

Some of the authors of this publication are also working on these related projects:



Geography, ecology, tourism and education [View project](#)

# **Humanities and Social Sciences in Europe: Achievements and Perspectives**

**12<sup>th</sup> International symposium  
26<sup>th</sup> January, 2017**



«East West» Association for Advanced Studies and Higher Education GmbH,  
Vienna, Austria

**Vienna  
2017**

«Humanities and Social Sciences in Europe: Achievements and Perspectives». Proceedings of the 12<sup>th</sup> International symposium (January 7, 2017). «East West» Association for Advanced Studies and Higher Education GmbH. Vienna. 2017. 118 P.

**ISBN–13** 978-3-903115-72-9

**ISBN–10** 3-903115-72-0

The recommended citation for this publication is:

Koenig L. (Ed.) (2017). *Humanities and social sciences in Europe: achievements and perspectives*.

*The 12<sup>th</sup> International symposium proceedings (January 7, 2017), Vienna, OR: «East West» Association for Advanced Studies and Higher Education GmbH, Vienna.*

<b>Editor</b>	Busch Petra, Austria	Moldabek Kulakhmet, Kazakhstan
<b>Editorial board</b>	Abdulkasimov Ali, Uzbekistan	Morozova Natalay Ivanovna, Russia
	Adieva Aynura Abduzhalalovna, Kyrgyzstan	Moskvin Victor Anatolevich, Russia
	Akhmedova Raziyat Abdullayevna, Russia	Navruzoda Bakhtiyor, Tajikistan
	Atayev Zagir Vagitovich, Russia	Novikov Alexei, Russia
	Balabiev Kairat Rahimovich, Kazakhstan	Petrov Vasily Borisovich, Russia
	Barlybaeva Saule Hatiyatovna, Kazakhstan	Salaev Sanatbek Komiljanovich, Uzbekistan
	Bogolib Tatiana Maksimovna, Ukraine	Salamatovna Ibraeva Alua, Kazakhstan
	Bolshakov Andrey Georgievich, Russia	Shadiev Rizamat Davranovich, Uzbekistan
	Bondarenko Natalia Grigorievna, Russia	Shhahutova Zarema Zorievna, Russia
	Bulatbaeva Aygul Abdimazhitovna, Kazakhstan	Soltanova Nazilya Bagir, Azerbaijan
	Chiladze George Bidzinovich, Georgia	Spasennikov Boris Aristarkhovich, Russia
	Dalibor Milorad Elezović, Serbia	Suleymanova Rima, Russia
	Fazekas Alajos, Hungary	Tereschenko-Kaidan Liliya Vladimirovna, Ukraine
	Gaydin Sergey Tihonovich, Russia	Tsersvadze Mzia Giglaevna, Georgia
	Gurov Valeriy Nikolaevich, Russia	Yashkova Tatiana Alexeevna, Russia
	Ibragimova Liliya Ahmatyanovna, Russia	Yurova Kseniya Igorevna, Russia,
	Ivana Blahuna, Ukraine	Zhaplova Tatiana Mikhaylovna, Russia
	Ivannikov Ivan Andreevich, Russia	Zolotukhina-Abolina Elena, Russia
	Jansarayeva Rima, Kazakhstan	
	Khurtsidze Tamila Shalvovna, Georgia	<b>Proofreading</b> Andrey Simakov
	Konstantinova Slavka, Bulgaria	<b>Cover design</b> Andreas Vogel
	Korzh marina Vladimirovna, Russia	<b>Contacts</b> “East West” Association for Advanced Studies and Higher Education GmbH, Am Gestade 1 1010 Vienna, Austria
	Lekerova Gulsim, Kazakhstan	<b>Email:</b> info@ew-a.org
	Lewicka Jolanta, Poland	<b>Homepage:</b> www.ew-a.org
	Massaro Alessandro, Italy	
	Melnichuk Marina Vladimirovna, Russia	
	Meymanov Bakyt Kattoevich, Kyrgyzstan	

#### Material disclaimer

The opinions expressed in the conference proceedings do not necessarily reflect those of the «East West» Association for Advanced Studies and Higher Education GmbH, the editor, the editorial board, or the organization to which the authors are affiliated.

East West Association GmbH is not responsible for the stylistic content of the article.

The responsibility for the stylistic content lies on an author of an article.

© «East West» Association for Advanced Studies and Higher Education GmbH

All rights reserved; no part of this publication may be reproduced, stored in a retrieval system, or transmitted in any form or by any means, electronic, mechanical, photocopying, recording, or otherwise, without prior written permission of the Publisher.

Typeset in Berling by Ziegler Buchdruckerei, Linz, Austria.

Printed by «East West» Association for Advanced Studies and Higher Education GmbH, Vienna, Austria on acid-free paper.

## Section 1. Demographics

*Tobirov Odiljon Qobiljonov'li,  
Kokand State Pedagogical Institute,  
the students, the Faculty of Natural Sciences.  
E-mail: odiljon.tobirov@mail.ru*

### Eastern regions of the Ferghana demographic aunt

*Тобиров Одилжон Қобилжон ўгли,  
Қўқон Давлат педагогика институтини,  
талаба, Табиий фанлар факультетини.  
E-mail: odiljon.tobirov@mail.ru*

### Шарқий фарғона Минтақасининг демографик ҳолати

Аҳоли жамият тараққиётида ишлаб чиқарувчи куч ва асосий истеъмолчи сифатида намоён бўлади. Шу муносабат билан инсоният тарихи аҳоли билан боғлиқ бўлган муаммоларни ўрганишни тақозо этади. Аҳоли ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган муаммоларни ўрганувчи фан «демография» деб аталади. «Демография» «демос» — халқ «графия» — ёзаман сўзларидан олинган бўлиб, аҳоли ҳақидаги ёки аҳолишунослик маъноларини англатади.

Дунё бўйича аҳолининг кўпайиш салмоғи ривожланаётган мамлакатларга тўғри келади. Ўзбекистон Республикаси ҳам аҳолиси тез кўпаяётган мамлакатлар каторига киради. Аҳолининг кўпайиши мамлакат миқёсида ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради. Мустақиллик шарофати, юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан мамлакатимиз аҳолисининг тинч, фаровон турмуш кечиришлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Мамлакатимизнинг демографик сиёсати «мустахкам оила, соғлом она ва бола, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган». «Биз учун устувор вазифа — бу барча ислохотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир. Бу демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш

демақдир»<sup>1</sup>. Ўзбекистонда оила жамиятнинг бир бўлаги, мустақил кичик бир «мамлакат» сифатида қаралади.

Айнан оилада авлодлар алмашинуви: туғилиш, ўлиш, никоҳ ажралиш жараёнлари амалга ошади. Зеро, оила аҳоли ақлий ва жисмоний шаклланишининг дастлабки босқичи ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан оила дахлсизлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63, 64, 65-моддалари билан муҳофаза қилинган. Оиланинг мустаҳкам бўлиши аҳоли ўсишини таъминлабгина қолмасдан, балки ақлий ва жисмоний етук меҳнат ресурсларининг шаклланишига асос бўлади. Мамлакат ҳаётида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар аҳолининг фаровон турмуш кечириши, келажак авлоднинг баркамол бўлиб ўсишига қаратилган.

Демографик жараёнлар иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий омиллар таъсирида ривожланишини таъкидладик. Ўз ўрнида мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланиш даражаси демографик жараёнларга ўз таъсирини кўрсатади. Чунки махсулотни кимга, қанча ишлаб чиқаришни режалаштириш керак. Бундай эҳтиёжни ўрганиш учун аҳолининг ёши, жинси бўйича ўзгаришларни, оилалар сони ҳамда уларнинг катта-кичиклиги, оиладаги болалар сони, миллий урф-одатлар ва бошқа аҳоли ҳақидаги маълумотларни билиши зарур.

Фарғона вилояти республикамызда 1938 йилда ташкил топган 5 та вилоятлардан бири ҳисобланади. Унинг майдони 6,76 минг кв км бўлиб, бу борада Сирдарё, Андижон ва Хоразм вилоятларидан олдинда туради. Ўзбекистон Республикаси майдонига нисбатан эса Фарғонанинг ҳудуди атиги 1,5 фоизга тенг, холос. Ваҳоланки, бу ерда, 1.01.2016 йил маълумотларига кўра, 3505,0 минг ёки мамлакат аҳолисининг яқин 11,1 фоизи яшайди. Ўзининг демографик салоҳияти бўйича у мамлакатимизда Самарқанд вилоятидан кейинги 2 ўринда туради.


Юқорида келтирилган рақам ва ва ҳолатлар шундан далолат берадики, Фарғона вилоятининг демографик “юки” оғир, аҳолиси зич, ҳудуди юқори даражада ўзлаштирилган, бошқарув тизими мураккаб.

Шундан келиб чиқиб, Фарғона вилоятининг Марғилон, Фарғона, Қувасой, Ёзёвон, Олтиариқ, Қўштепа, Риштон, Сўх, Тошлоқ, Фарғона ва Қува туманлари маъмурий чегараларини Шарқий Фарғона вилояти сифатида олиндиқ. Шунинг учун ушбу маъмурий-туманларнинг майдонлари ва Марғилон, Фарғона, Қувасой шаҳарлари ҳудуди Шарқий Фарғона минтақасининг ҳудудини белгилайди. Бундай ёндошув албатта иқтисодий-географик нуқтаи-назардан амалга оширилгандир. Амалда эса бундай районлаштириш мавжуд эмас, аммо муаммони тадқиқ этиш мақсадида иқтисодий районлаштириш ўтказилди.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясидаги нутқи//Халқ сўзи, – 2002, – 30 август.

Ажратиб олинган Шарқий Фарғона шаҳар ва туманларининг умумий майдони 3,632 минг кв км бўлиб, у вилоят майдонининг 53,8 фозини ташкил этади (1-расм).



Расмлар 1. Шарқий Фарғона хуудининг вилоятдаги улуши

Айтиб ўтганимиздек, шартли равишда танлаб олинган Шарқий Фарғона хууду 3,632 минг кв км ташкил этади. Унда жами 6 та (туманларга бўйсунувчи шаҳарлар 3 та) шаҳар, 8 та туман, 105 та шаҳарча, 98 та қишлоқ фуқоролар йиғинлари, 383 та қишлоқ аҳоли пунктлари, 497 та маҳаллалар мавжуд (01.01.2016-йил ҳолатига) (1-жадвал).

Фарғона вилояти хуудини аҳоли жойлашунига кўра тадқиқ этишдаги ёндошувга кўра вилоятни икки аҳолиси зич минтақага ажратиш мумкин. Булар Шоҳимардонсой оқими бўйлаб жойлашган Фарғона шаҳри ва унга ёндош туманлар, иккинчиси Сўх дарёси оқимида жойлашган Қўқон шаҳар ва унга ёндош туманлардир. Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиқиб, Фарғона вилоятининг Ёзёвон, Олтиариқ, Қўштепа, Риштон, Сўх, Тошлоқ, Фарғона ва Қува туманлари маъмурий чегаралари “Шарқий Фарғона” вилояти ажратиб олинди. Шунинг учун ушбу маъмурий-туманларнинг майдонлари ва Марғилон, Фарғона, Қувасой шаҳарлари хууду Шарқий Фарғона минтақасининг хуудини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13-мартдаги 68-сонли “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-хуудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниши, ушбу қарорга кўра Фарғона вилоятида 196 та қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳарчага айлантирилганлиги натижада Фарғона вилоятида шаҳар аҳолисининг 2016 йилда 57 фозни ташкил этди.

Жадвал 1. – Шарқий фарғона минтақасининг ҳудудий ва маъмурий – ҳудудий бўлиниши (2016 йил 1 январига)

№	Маъмурий-ҳудудий бирликлар номи	Ҳудуди минг кв.км.	Маъмурий — ҳудудий бўлиниши					
			Туманлар	Шаҳарлар	Шаҳарчалар	Қишлоқ Фуқаролар йиғинлари	Қишлоқ аҳоли пунктлари	Маҳалла кўмиталари
	Шарқий Фарғона минтақаси бўйича жами:	3,632	8	6	105	98	383	497
	<b>Шаҳарлар:</b>							
1	Марғилон	0,041		1	1			54
2	Фарғона	0,1003		1				70
3	Қувасой	0,264		1	1	6	30	23
	<b>Туманлар:</b>							
1	Ёзёвон	0,407	1		9	10	28	22
2	Олтиариқ	0,631	1	1	14	15	18	56
3	Қўштепа	0,368	1		14	15	62	33
4	Риштон	0,307	1	1	13	11	41	64
5	Сўх	0,221	1		7	4	12	22
6	Тошлоқ	0,243	1		10	10	88	43
7	Фарғона	0,6117	1		21	16	28	56
8	Қува	0,438	1	1	15	11	76	54

Ушбу қарор асосида Шарқий Фарғона минтақасини таҳлил этадиган бўлсак, ушбу ҳудудга жами вилоят шаҳар аҳолисининг 1272 минг кишиси, қишлоқ аҳолисининг 669,4 минг киши тўғри келмоқда. Жами аҳоли эса 1941,4 минг кишини ташкил этгани ҳолда у, 2016 йилда вилоят жами аҳолисининг 55,4 фоизига тенгдир. Шарқий минтақанинг урбанизация даражаси 53,8 фоизни ташкил этади (2-жадвал).

Минтақадаги маъмурий туманларнинг аҳолиси 100 минг кишидан ошган (Сўх тумани (72,0 минг) дан ташқари) бўлиб, энг юқори кўрсаткич Қува туманидадир. Унда бугунги кунда 240,0 минг аҳоли истиқомат қилмоқда.

Шарқий Фарғона минтақаси маъмурий туманлари доираси аҳоли зичлигини таҳлил этадиган бўлсак унинг ўртача зичлиги 535 кишини ташкил этади.

Минтақанинг Қува (547,9), Риштон (610,4) ва Тошлоқ (767,9) туманларида аҳоли зичлиги минтақа ўртача зичлигидан юқоридир.

Жадвал 2. – Шарқий Фарғона минтақаси доимий аҳолиси ва майдони (01.01.2016)


	Шахар ва туманлар	Ер май-дони (минг кв.км)	Доимий аҳоли сони	Шу жумладан		Аҳоли зичлиги 1 км. кв./киши
				Шахар аҳолиси	Қишлоқ аҳолиси	
	<b>Жами:</b>	<b>3,632</b>	<b>1941,4</b>	<b>1272,0</b>	<b>669,4</b>	<b>535</b>
	<b>Шахар:</b>					
1	Марғилон	0,041	222.0	222.0		5414,6
2	Фарғона	0,1003	271,0	271.0		2701,9
3	Қувасой	0,264	87.5	49.3	38.2	331,4
	<b>Туманлар:</b>					
1	Ёзёвон	0,407	102.2	62.1	40.1	251,1
2	Олтиариқ	0,631	197.7	150.1	47.6	313,3
3	Қўштепа	0,368	175.9	70.7	105.2	478,0
4	Риштон	0,307	187.4	121.3	66.1	610,4
5	Сўх	0,221	72.0	46.2	25.8	325,8
6	Тошлоқ	0,243	186.6	44.2	142.4	767,9
7	Фарғона	0,6117	199.1	123.6	75.5	325,5
8	Қува	0,438	240.0	111.5	128.5	547,9

Энг паст кўрсаткич Ёзёвон туманига тегишли бўлиб, бу ерда аҳоли зичлиги 251,1 кишига тенг. (2-жадвал).

Юқоридаги ҳолатни чуқурроқ тадқиқ этиш мақсадида туманларнинг мутаносиблик ҳолатини ишлаб чиқишни лозим деб топдик. Бунга кўра ҳар бир маъмурий туманнинг минтақадаги улуши шу туманнинг минтақа аҳолисидаги улушига солиштирилади. Солиштиришлар натижасида қуйидаги натижага олиб келди (3-жадвал).

Минтақадаги Риштон ва Тошлоқ туманларида майдоннинг улуши аҳолининг улушига нисбатан паст кўрсаткичга эга эканлигини кўраимиз. Ёзёвон, Олтиариқ, Қўштепа, Сўх ва Фарғона туманларида эса майдоннинг улуши аҳолининг минтақадаги улушига нисбатан каттадир. Қува туманида эса тенглик кузатилаганини кўришимиз мумкин. (2–3-расмлар).





Расмлар 2. Шаҳар ва туманлар майдонинг минтақадаги улуши


Жадвал 3. – Шарқий Фарғона минтақаси майдони ва аҳолисининг мутаносиблик ҳолати

Шаҳар ва туманлар	Майдони	Аҳолиси	Мутаносиблик ҳолати	Нисбат (-; +)
Марғилон	1	11	$M < A$	-10
Фарғона	3	14	$M < A$	-11
Қувасой	7	5	$M > A$	2
Ёзёвон	11	5	$M > A$	6
Олтиариқ	17	10	$M > A$	7
Қўштепа	10	9	$M > A$	1
Риштон	9	10	$M < A$	-1
Сўх	6	4	$M > A$	2
Тошлоқ	7	10	$M < A$	-3
Фарғона	17	10	$M > A$	7
Кува	12	12	$M = A$	0

Изоҳ:  $M$  – Майдон,  $A$  – Аҳоли.

Бу ҳолатни мутаносиблик ҳолати жадвалида таҳлил этилиб нисбатлар ўрганилса, минтақа учун демографик юкга эга бўлган ҳолатни аниқлаш мумкин. Маъмурий туманлар доирасида нисбатан юки оғир туман Риштон ва Тошлоқ

туманларидир. Республикамиз даражасида демографик юки оғир бўлсада, ажратиб олинган минтақа доирасида бироз юки енгил туманларга Олтиарик, Фаргона ҳамда Ёзёвон туманлари мисол бўлади (2-жадвал).



Расмлар 3. Шахар ва туманлар аҳолисининг минтақадаги улуши

Умумдемографик салоҳиятига қараганда Шарқий Фаргона минтақаси аҳолисининг маъмурий туманларида аҳоли зичлиги вилоятнинг бошқа маъмурий туманларига нисбатан жадаллик билан зичлашиб бормоқда. Хусусан Марғилон шаҳрининг аҳоли зичлиги 5414,6 киши бўлгани ҳолда маъмурий туманларда ўртача кўрсаткич 400 кишидан ошмоқда.

01.01.2016 йил ҳисоби бўйича, Шарқий Фаргона минтақаси бўйича туғилиш ҳар минг кишига 22,3 промиллени ташкил қилган. Қайд этиш лозимки, маскур кўрсаткич Сўх туманида энг юқоридир (25,4‰).

Аҳолининг табиий кўпайиш географиясини унинг туғилиш даражасидаги ҳудудий тафовутлар белгилаб беради. Бинобарин, ушбу кўрсаткич минтақанинг Сўх ва Ёзёвон туманларида юқори кўрсаткичга эга.

Юқорида таъкидланганидек, аҳоли зич, унинг нисбий ва мутлоқ кўплагидан миграция ҳам келиб чиқади. Сўнги йилларда Шарқий Фаргона минтақасининг ташқи миграция минус 4,5 промиллени ташкил қилган. Агар бу кўрсаткич, аҳоли табиий кўпайиши, яъни 22,3 дан олиб ташланса, у ҳолда ҳақиқий демографик ўсиш 17,8 промиллега тенг бўлади. Бу, албатта, анча юқори кўрсаткич ҳисобланади. Салбий миграция айниқса Фаргона (минус 3,0‰) туманида ва Марғилон (минус 2,0‰) шаҳрида кўпроқ, Қўштепа ва Риштон туманларида озроқ, Тошлок, Қува, Ёзёвон, Риштон туманлари ва Қувасой шаҳрида эса ижобий. (4-жадвал).

Жадвал 4. – Шарқий Фарғона минтақаси аҳолисининг табиий ҳаракати ва миграцияси (ҳар минг аҳолига нисбатан, 01.01.2016 й.)

т/р	Шаҳар ва туманлар номи	Табиий ҳаракат			Аҳоли миграцияси		
		туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	келган лар	кетган лар	миграция қолдиғи
1	Марғилон	22,0	5,6	16,4	4,3	6,3	-2,0
2	Фарғона	17,8	6,4	11,4	9,4	9,9	-0,5
3	Қувасой	21,1	4,8	16,3	5,4	3,8	1,6
4	Ёзёвон	24,2	4,3	19,9	2,3	2,2	0,1
5	Олтиариқ	21,2	4,7	16,5	0,6	2,0	-1,4
6	Қўштепа	23,4	4,8	18,6	3,5	3,6	-0,1
7	Риштон	23,1	4,6	18,5	2,5	2,4	0,1
8	Сўх	25,4	4,6	20,8	0,1	0,4	-0,3
9	Тошлоқ	23,2	4,8	18,4	4,5	3,7	0,8
10	Фарғона	22	4,7	17,3	0,6	3,6	-3,0
11	Қува	21,9	4,7	17,2	2,7	2,5	0,2
	<b>Вилоят</b>	22,8	5,1	17,7	3,5	4	-0,5

Фарғона вилоятининг шарқий қисми (шартли равишда ушбу ҳудуд Марғилон, Фарғона, Қувасой шаҳарлари, Ёзёвон, Олтиариқ, Қўштепа, Риштон, Сўх, Тошлоқ, Фарғона ва Қува туманлари ҳудуди) ҳозирги давр аҳоли сонининг ўсишидаги ҳудудий фарқлар, туғилиш ва ўлим жараёнлари, янги ташкил этилган шаҳарчаларнинг демографик ҳолати каби ҳолатлар таҳлил этилди. Давлат статистика нашрлари томонидан олинган маълумотларга асосланиб, ушбу минтақанинг кўрилган йиллардаги аҳоли ўзгаришларидаги фарқлар ҳисоблаб чиқилди. Бу эса вилоят аҳолисининг ҳамда шарқий минтақанинг ҳудудий тафовутларини, туғилиш ва ўлим жараёнларининг тафовутларини, ва айниқса мавжуд демографик муаммоларни алоҳида олинган минтақада тадқиқ этиш илмий натижаларни олиш, илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ва умумий хулосалар бериш имконини яратди.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. Иккинчи чақирىқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи, – 2002, – 30 август.
2. Исоқова Т., Хўжақулов Х. “Демография статистикаси”. – Т. «УАЖБНТ» маркази, – 2004, – 144 б.
3. Фарғона вилояти статистика бошқармаси маълумотлари. – 2016.

## Contents

<b>Section 1. Demographics</b> .....	<b>3</b>
<i>Tobirov Odiljon Qobiljon o'g'li</i>	
Eastern regions of the Ferghana demographic aunt .....	3
<b>Section 2. Study of art</b> .....	<b>11</b>
<i>Soldatenkova Olga Vyacheslavovna</i>	
Venerable Nikita stylites: the first holy fool in the Russian North .....	11
<b>Section 3. Pedagogy</b> .....	<b>17</b>
<i>Abdimaulen Gulmira Abdimaulenkyzy</i>	
Theoretical problems of studying social psychological state in pedagogical environment among teachers and students .....	17
<i>Karaieva Tatiana Viacheslavovna</i>	
Motivational potential of self-guided tasks in BE learning .....	23
<i>Lesina Tetyana Mylodayivna</i>	
Preparation of educators to forming of vital competences for preschool children: Ukrainian realities, some problems .....	28
<i>Tobirov Odiljon Qobiljon o'g'li</i>	
Geography using traditional classes .....	32
<i>Ushatikova Irina Igorevna</i>	
Improvement of a modern lesson at elementary school .....	36
<b>Section 4. Political science</b> .....	<b>42</b>
<i>Kravchuk Alexey Andreevitch</i>	
Prospects for development of transarctic freight traffic through the Northern Sea Route .....	42
<i>Reus Lev</i>	
Unity in diversity: utopia or reality? .....	47
<b>Section 5. Religious studies</b> .....	<b>51</b>
<i>Belyaeva Elena Valentinovna</i>	
The ORKSE course in comprehensive leaning as the way to effective communication .....	51
<b>Section 6. Sociology</b> .....	<b>54</b>
<i>Joel Ivan, Gonzalez Cedillo</i>	
The rise of the “dominated” and the deconstruction of the official discourse in the West .....	54